O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 22 октябрь, № 205 (4615) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх-навонинг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил ҳосилидан бошлаб контрактация шартномалари бўйича пахта хомашёси етиштириш ҳажмлари ва тегишли равишда пахта экиладиган майдонларни 1-иловага мувофиқ камайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига:

2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар 2-иловага мувофиқ кўпайтирилсин;

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туманлар ва хўжаликларда сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда:

муайян қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эканлигига, фермер хўжаликларида алоҳида экин турларига ишлов бериш бўйича кўникма ва тажриба мавжудлигига;

суғориш ва мелиорация тизимлари ҳолатига, ҳудудларнинг сув билан таъминланиш даражасига;

лалми ерларда мойли, озуқабоп ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ташкил этиш бўйича 2-иловага мувофиқ комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига 2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш ҳамда шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси:

фермер хўжаликларини жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмларда ва муддатда юқори сифатли ишлов берилган ва дориланган буғдой уруғлари билан белгиланган тартибда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2009 йилда суғориладиган ерлар учун бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғларини тайёрлаш ҳажмларини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Давлат захиралари учун назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинларининг уруғларидан қўшимча экиш учун фойдаланишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрда қабул қилинган «2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-956-қарорига мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-4041-ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улкан ресурс ва экспорт базасига эга етакчи тармоғи бўлган, республикада қайта ишлаш саноати учун муҳим манба ҳисобланадиган пахтачиликни ривожлантириш ва ислоҳ қилишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги пахта етиштириш учун ғоят мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Фермерларимиз кейинги икки йилда, айниқса, жорий йилда ушбу муаммонинг нечоғли ўткирлигини ўз фаолиятида кескин ҳис қилдилар. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таъминланиш даражаси белгиланган норманинг атиги 75 фоизини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги пахта етиштиришга салбий таъсир кўрсатди ва республиканинг деярли барча вилоят ва туманларида қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

***Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиётида ишлаб чиқаришни ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасида ҳам ўз исботини топган. Шу боис мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида иқтисодиётнинг мазкур тармоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.***

Ислоҳот ва самара

***Натижада юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто олис ҳудудларида ҳам ҳавас қилишга арзигулик замонавий корхоналар барпо этилаяпти. Яқиндагина Қўрғонтепа туманида фаолият бошлаган «Самошертекс» Ўзбекистон-Америка-Россия қўшма корхонасини ҳам истиқлол меваси, дейиш мумкин. Йилига 5200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонанинг ишга туширилиши билан 600 та янги иш ўрни вужудга келди. Қўшма корхона раҳбарининг айтишича, бу ерга Германия, Бельгия, Хитой каби давлатлардан олиб келинган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Улар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги боис харидорлар эътиборини тортаяпти. Корхона жамоаси уларнинг 80 фоиздан ортиғини экспорт қилишни режалаштирган.***



**СУРАТДА:** йигирув цехи ишчиси Назокат Мирзаева.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

***Мамлакатимизнинг Москвадаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Тадбирда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги, Москва шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Б. Исломов брифингни очар экан, Ўзбекистон БМТга аъзо давлатлар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб махсус Президент қарори чиққан саноқли давлатлардан бири эканлигини таъкидлади.

**Дунё нигоҳи**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов маъруза қилиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжати бўлганлигини эътироф этди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, хусусан, БМТнинг 6 та асосий шартномаларига аъзо давлат сифатида ўз халқаро мажбуриятларини ҳамда инсоннинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги аниқ чора-тадбирларни мунтазам равишда бажариб келмоқда. А. Саидов, жумладан, жорий йилда давлат

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**Бухоро** вилоятида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

— Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 546 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида сайлов бўлиб ўтади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Б. Жумаев. — Бошқача айтганда, 546 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг беш ярим мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланади.

Мазкур сиёсий тадбирни фаол ўтказиш учун ташкил этилган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган.

— Гуруҳимиз таркиби нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоатчилик вакилларидан иборат, — дейди Олот туманидаги Чандир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги ишчи гуруҳи раҳбари С. Жўраев. — Мақсадимиз ушбу сайловни ошкоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказишдан иборат. Шу кунларда тегишли рўйхат тузиш, аҳолининг хоҳиш-истагини ўрганган ҳолда йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш билан машғулмиз. Шу билан бирга аҳоли орасида сайлов билан боғлиқ тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаётир.

Сайланажак қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг юксак инсоний фазилатга эга бўлиши жуда муҳим. Чунки кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар самараси ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган раҳбар ходимларга бевосита боғлиқ.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**Сурхондарё** вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига асосан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

O'ZBEKISTON SANOAT YARMARKASI VA KOOPERATSIYA BIRJASI

## «АМАТОН»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Яқинда пойтахтимизда бошланадиган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида Фарғона вилоятидан тўрт корхона ўзининг қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ саноати соҳаси учун ишлаб чиқараётган янги турдаги маҳсулотлари билан иштирок этади.

Учкўприк туманидаги “Аматон” хусусий корхонаси маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бу ерда асосан ойналарга ишлов берилади ҳамда паролон маҳсулотлари тайёрланади. Корхона ўтган тўққиз ой мобайнида 426 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

— Маҳсулотларимизга кўплаб буюртма тушмоқда, — дейди корхона раҳбари Султонхон Аҳмедов. — Айниқса, пойтахтимизда ўтадиган ярмаркада иштирок этиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз у ерда янги-янги шартномалар тузиш ҳамда ҳамкорлар топишни мўлжалламоқдамиз.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*

## ФОТОБИЕННАЛЕГА МАРҲАМАТ!

***Тошкентда тўртинчи халқаро «TashkentALE-2008» фотобиенналеси бошланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Мазкур халқаро фотокўргазмада мамлакатимиз фотоижодкорлари билан бир қаторда Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Япония, Канада, Хитой, Покистон, Исроил, Вьетнам каби йигирмадан ортиқ давлатдан вакиллар ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Халқаро кўргазманинг очилишида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф, Тошкент Фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Каримбобоева, Хитой Халқ Республикаси Миллий фотография уюшмаси вакили Жоу Жинг, япониялик фотоижодкор Нисимора Ясуши ва бошқалар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳажиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашда санъатнинг, жумладан, фотографиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЯНГИЛАШ ШАРОФАТИ

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



*2008 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши*

**9,4**

**фоизни ташкил этди.**



Ишлаб чиқаришни изчил ва барқарор ривожлантириш, инвесторларни кўпроқ жалб этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

